
Ўзбекистон туманилик спортчи қиз Туркияда бўлиб ўтаётган Ислон бирдамлиги ўйинларида бронза медалини қўлга киритди
Шу кунларда Туркиянинг Конья шаҳрида V Ислон бирдамлиги ўйинлари бўлиб ўтмоқда.

Нуфузли мусобақада мамлакатимиз терма жамоаси таркибида иштирок этаётган Ўзбекистон туманилик енгил атлетикачи Наргиза Қўчқорова куни-кеча бўлиб ўтган беллашувларда бронза медалини қўлга киритди. Найза улоқтириш баҳсларида юртимиз шарафини ҳимоя қилган 23 ёшли спортчи қиз 56.08 метр натижа билан мазкур шарафга сазовор бўлди.



Ушбу йўналишда қатнашган яна бир вакиламиз, пасткиқўриқлик Мушаррафхон Саидахмедова эса 56.06 метр билан тўртинчи натижани қайд этди.



Юртимиз спортчилари учун муваффақиятли кечаётган мусобақа 18 август кунига қадар давом этиши белгиланган бўлиб, яқин кунларда яна 2 нафар енгил етлетикачи тумандошларимиз – Намуна маҳалласидан Зарина Носиржонова ҳамда Яйпан гузарлик Рашиджон Содиқовлар баҳсларга киришади.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги

2022-08-12 17:45:51